# Улуғлар ёди қалбимизда

Мустақиллигимизнинг асосчиси, буюк давлат арбоби, халқимизнинг ҳамда азиз ёшларимизнинг хотирасидан, қалбидан чуқур жой олган Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида спортнинг “Миллий кураш” тури бўйича хотира турнири ўтказилди. Турнирда институт барча факультетларидан 50га яқин полвонлар 6 вазн тоифасида - 60 - 66 - 73 - 81 - 90 +90 иштирок этишди ва ўзларининг кучлари ҳамда матонатларини намоён этишди.

Хусусан - 60 кг гача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсда ГМ факультетининг 3-босқич талабаси Пирматов Сардор барча рақибларини мағлуб этиб турнирда олтин медални қўлга киритди, 2 - ўрин ҚСХЭА факультети 1 - босқич талабаси Бобоназаров Шахриёр 3 - ўрин эса ГМ факультети талабаси 1 - босқич талабаси Шониёв Темурларга насиб этди.

Мусобақа қизғин баҳсларга бой бўлган ҳолда давом этди ва қолган вазн тоифаларида ҳам энг кучлилар аниқлаб олинди. Турнирнинг якуний натижаларига кўра:

**66 кг гача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсда:**

1-ўрин Арабов Сардор ЕР ва ЕФК факультети 1-босқич талабаси

2-ўрин Туркиев Сардор ЕР ва ЕФК факультети 1-босқич талабаси

3-ўрин Абдулхакимов Асадулло ҚСХЭА факультети 1-босқич талабаси

**-73 кг гача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсда:**

1-ўрин Ахмедов Жавохир ҚСХЭА факультети 1-босқич талабаси

2-ўрин Янгибоев Мансур Қорабулоқ махалласи

3-ўрин Байманов Шербек ҚСХЭА факультети 2-босқич талабаси

**-81 кг гача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсда:**

1-ўрин Сайдуллаев Акмал ЕР ва ЕФК факультети 3-босқич талабаси

2-ўрин Меликов Шароф ҚХМ факультети 3-босқич талабаси

3-ўрин Хафизов Салохиддин ҚСХЭА факультети 1-босқич талабаси

**-90 кг гача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсда:**

1-ўрин Мўминов Маьруф ҚСХЭА факультети 4-босқич талабаси

2-ўрин Ахмедов Миржамол ЕР ва ЕФК факультети 2-босқич талабаси

3-ўрин Валиев Абдулжаббор ҚХМ факультети 2-босқич талабаси

**+90дан юқори бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсда:**

1-ўрин Сотиволдиев Ҳайитбой И ва М факультети 1-босқич талабаси

2-ўрин Мелиқўзиев Сарвар 1-босқич магистранти

3-ўрин Пирматов Хислат  ГМ факультети 1-босқич талабаси

Хотира турнири кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Турнирни юксак савияда ташкиллаштириш ҳамда ўтказишда ўзининг беминнат ёрдамини кўрсатгани учун маьнавий-маърифий ишлар бўйича проректори Қ.О. Шовазовга, институт ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотига, институт касаба уюшмаси қўмитасига ҳамда “Жисмоний-маданият ва спорт” кафедраси устоз мураббийларига талабалар номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Ёшлар иттифоқининг Институт бошланғич ташкилоти етакчиси Акмал Бердимуродов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**